


ISTIQLOL

NAMANGAN TUMAN HOKIMLIGINING GAZETASI

Gazeta 1962 yil 10 iyundan chiqqan boshlagan www.uzistiqlol.uz

37 (6006). 2021 YIL 29 OKTABR JUMA.

BAHOSI ERKIN NARXDA



Шавкат МИРЗИЁЕВ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

2021 йил 25 октябрь кунини Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларини эълон қилди.

Шу муносабат билан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати -Ўзбекистон Либерал-демократик партияси "Нито Агента" мажмуасида тадбир ўтказди. Унда партия фаоллари ва партияга хайрихоҳлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Мониторларда Марказий сайлов комиссиясининг дастлабки натижаларига бағишланган матбуот анжумани онлайн тарзда намойиш этилди. Дастлабки натижаларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловда қатнашганлар умумий сонининг 80,1 фоиз овози билан ғалаба қозонгани эълон қилинди. Тадбирга йиғилганлар бу хабарни хурсандчилик ва олқишлар билан кутиб олди.

Бу овозлар халқимиз ўз ҳаётида сезган натижалар ва келажакка ишонч учун берилган, дейиш мумкин. Чунки охириги беш йилда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида катта масштабдаги ишлар қилинди. Янгиланиш кириб бормаган бирор-та соҳа қолмади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, ҳаёт талаб қилган маъмурий, ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилди.

Шу даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 24 фоизга, саноат 34 фоиз, экспорт ҳажми 1,5 баробарга, хорижий инвестициялар ҳажми эса 3 баробарга ошди. Ялпи ички маҳсулотимиз 60 миллиард долларга етди. Ўртача ойлик иш ҳақи 2,2 марта кўпайди.

Худудларни ривожлантириш, саноат ва хизматлар кўламини кенгайтириш учун кенг имкониятлар яратилди. Юзлаб корхона ва заводлар, минглаб янги иш ўринлари пайдо бўлди. Улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Амалий натижадорлик, инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсадига айланди. Ижтимоий йўналтирилган дастурлар амалга оширилди. Илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, оммавий ахборот воситалари, спорт соҳаларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди.

Бу ишларни изчил давом эттириш, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз ҳаётини янги босқичга кўтариш учун сайлов арафасида Янги Ўзбекистон стратегияси ишлаб чиқилди. Сайловчилар билан учрашувларда унинг мақсад-моҳияти тушунтирилди ва халқимиз бунга ишонди.

Тадбирда Шавкат Мирзиёев сўзга чиқиб, ўзига билдирилган юксак ишонч учун халқимизга миннатдорлик билдирди.

-Шундай улғ халқнинг ишончи мен учун катта бахт! Менга шунча ишонч билдириб, қўллаб-қувватлагани учун барча партиядошларимга, ёшларга, азиз фарзандларимга, мунис оналарим ва нуруний оталаримизга таъзим қилиб, раҳмат айтаман. Бу ишонч менга куч бағишлайди. Шу билан бирга, ички дунём билан сезаманки, бу жуда катта масъулият ва жавобгарлик,-деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳозирги таҳликали замонда мураккаб синовлар кўп бўлгани, халқимиз жипслашиб, фидойилиги ва меҳнатсеварлиги билан улкан натижаларга эришаётгани қайд этилди.

-Охириги беш йилда қандай-қандай синовларни бошимиздан ўтказдик. Биз бу синовларда тобландик. Бир биримизга меҳримиз ошди. Жипслашдик. Халқимиз бирлашса, нималарга қодирлигини бутун дунё яна бир марта кўрди,-деди Президент.

Бу йилги сайлов илк бор Сайлов кодекси асосида, демократик руҳда, очиқ-ошкора ўтгани таъкидланди.

-Кўплаб давлатлардан, катта халқаро ташкилотлардан кузатувчилар келди. Улар хоҳлаган сайлов участкасига бориб, яратилган шароитларни, одамларимиз эртанги кунга бефарқ эмаслигини, сайловда фаол қатнашганини, оилалари билан келиб овоз берганини кўрди. Бу халқимизнинг руҳияти, кайфияти, сиёсий маданиятидан далолат. Жойлардаги учрашувларда одамлар ҳар бир соҳа бўйича ўз шаҳри ёки тумани бўйича долзарб таклифларни билдирапти. Танқидлар ҳам бўлаяпти. Бу ҳам ҳаётимиз ўзгаргани, демократик ислохотлар натижаси. Яна бир марта айтмоқчиман: орқага йўл йўқ. Энди Ўзбекистон фақат олға боради,-деди таъкидлади. Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари барча хорижий ва маҳаллий кузатувчиларга, Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, оммавий ахборот воситалари вакиллари раҳмат айтди.

Президент сайловида бошқа сиёсий партиялардан илгари сурилган номзодларга ҳам ўз миннатдорчилигин билдирди.

-Уларнинг ҳам нияти-Ўзбекистонни ривожлантириш. Шунинг учун уларнинг дастуридаги халқимизга маъқул таклифларни албатта инобатга оламиз. Биз кеча рақобат қилган бўлсак, энди бир мушт бўлиб, ҳаракат қилишимиз керак. Мен халқимизнинг юксак ишончини оқлаш, орзу-умидларини ушлатириш, фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч-ғайрат ва салоҳиятимни сарфлашга ваъда бераман. Янги Ўзбекистонни ҳаммамиз биргаликда курамиз,-деди Шавкат Мирзиёев.

Ў.А.

ҒАЛАБАНГИЗ МУБОРАК, АЗАМАТ ПАХТАКОРЛАР!



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги нишонланган ушбу йилда туманимиз пахтакорлари катта меҳнат муваффақиятини қўлга киритиб, йиллик шартномавий режани ортиги билан бажардилар. "Тошбулоқ текс" МЧЖнинг кластер пахта қабул қилиш масканига 20350 тоннадан зиёд пахта хом-ашёсини топширдилар. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 36,7 центнердан ташкил этди. Ана шу ҳосилнинг 17674 тоннаси биринчи навларга сотилди.

Барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган туб ислохотлар, янгича тизим, айниқса ғалла ва пахта етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтилганлиги, кластер ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ютуқларимизнинг муҳим омили бўлмоқда.

Фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришда уларга берилган кенг имконият ва эркинликлар тармоқ ходимларини янада ғайрат-шижонат кўрсатиб меҳнат қилишга руҳлантирди. Натижада бу йилги мавсумда "Шўркўргон эзгу мақсад" ММТПдаги "Уста Қурбон" фермер хўжалиги вилоятимизда, "Навбахор-ҳосилдор" ММТПга қарашли фермер хўжалиklarининг барчаси туманда биринчи бўлиб шартнома режасини бажаришга муваффақ бўлдилар. Мазкур худуддаги "Навбахор намунаси", "Нортожи", "Валижон Жабборов", "Шамс қамар ёғдуси", "Зулфия", "Тараққиёт", "Навбахор олтин толаси", "Улуғ ният юлдузи", "Қирғизбоев Муҳаммадали Турсунович", "Тепакўргон-ЛХС" фермер хўжалиklarида ҳар гектар пахта майдонидан 43-50 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

"Ўзбекистон" ММТПдаги "Олтин замин ифтихори" фермер хўжалиги аъзолари 4-сектор худудида биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини ортиги билан бажариб, юзлари ёруғ бўлди. "Ғайрат" ММТПдан "Зардўст замин зилол", "Бектемир саховати", "Файзли қўргон толаси", "Абдурахим бобо", "Пахтаобод" ММТПдаги "Ёқуббой ота", "Жўлибой ота", "Асқарали ота", "Нурли зар толаси", "Хонобод ММТПдаги "Соғлом келажак сари", "Аҳмаджон Ғуломжон Аҳмаджонович", "Хонобод нурафшон

замин", "Тошпўлат ота-РБД", "Зарбдор" ММТП худудидан "Ўринбой пахтакор", "Парпишер Раҳматилло", Қ.Солиев номли ММТПдан "Миришкор замин олтини", "Шамсиддин ҳожи", "Наманган элита уруғчилик", "Ўзбекистон" ММТПдаги "Озод диёр ифтихори", "Истиқлол обод келажак" фермер хўжалиklари йиллик режани барвақт удалаб, туманимизнинг бу улкан хирмонига ўзларининг жуда катта ҳиссаларини қўшдилар.

Эрта баҳорда 5550 гектар майдонга пахтанинг юқори ҳосиллиги ва эрта пишар чигит навлари жойлаштирилиб, тўла гектарлар яратилиб, ғўзаларни агротехника талаblари асосида парвариш қилинганлиги, ёқилги, минерал ўғит, сув таъминоти, иш ҳақи беришда ҳеч қандай муаммоларга йўл қўйилмаганлиги мўл ва сифатли пахта етиштиришда қўл келди. Етиштирилган пахта ҳосилини қисқа муддатларда нест-нобуд қилмай сифатли йиғиштириб олишни ташкил этиш мақсадида туман бўйича 194 та терим отряди шакллантирилди. Теримда 13,5 мингдан зиёд теримчи қалб амри, ўз ихтиёри билан уюшиб, мажбурий тарзда эмас, оилавий даромадларини яхшилаш мақсадида фаол иштирок этмоқдалар.

Терим суръатини ошириш, теримчилар, отряд ҳамда фермер хўжалик-



лари раҳбарларини рағбатлантириш учун етарли миқдорда совға-саломлар берилди. Бу йилги зафаримизга туманимиздаги маҳаллаларнинг аҳолиси, отряд раҳбарлари салмоқли ҳисса қўшганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Мавсумда юзлаб чевар теримчилар ўзгача ғайрат кўрсатдилар. Ғалаба нашидаси суриляётган бугунги қувончли дамларда теримда иштирок этаётган барча туман меҳнаткашларига чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

Туманимизда пахта сотиш йиллик шартномавий режаси бажарилган бўлишига қарамасдан терим қизгин давом этмоқда. Ҳали далаларимизда талайгина ҳосил бор. Етиштирилган ҳосилнинг бирор мисқолини ҳақ нобуд қилмасдан йиғиб-тегиб олиб, вилоятимиз улкан хирмонига муносиб ҳиссамизни қўшамиз. Пахта йиғим-теримини бўшаштирмаган ҳолда келгуси йил ғалла ҳосилига ҳам пухта замин яратилмоқда. Кузги ғалла сепишни тез ва сифатли ўтказиш, уни тўла ундириб олиш чора-тадбирлари кўриломоқда.

ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ, ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТЕНГ ШАРТЛАРДА РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2022 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

“Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддаси, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида” ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) асосан, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида туманда 2022 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ;

2022 йилда мазкур тоифадаги шахслар учун иш ўринларининг энг кам миқдори белгиланган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Аҳоли Бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасига асосан туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар (Кейинги ўринларда ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар, деб юритилади) учун иш ўринларининг энг кам миқдори (2-илова) ҳодимларнинг рўйхат бўйича ўртача 422,5 нафар иш ўринини ташкил этадиган 10,0 фоиз миқдоридан, шу жумладан:

- ногиронлиги бўлган шахслар учун 3,0 фоиз (133 иш ўрни); (133 нафар юқорида кўрсатилган иш ўринларига туманда ногиронлиги бўлган шахслар ишга жойлашиш бўйича талаб 10 та бўлганлиги сабабли, келгусида 123 та иш ўринини умумий ўрта ва ўрта махсус, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд этиб қўйилсин).

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 2,5 фоиз (105 та);

- ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 2,5 фоиз (108 та);

- пенсия олди ёшидаги шахслар учун 0,5 фоиз (20 та);

- сафарбарлик чақирuvi заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 0,5 фоиз (21 та);

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилин-

ган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурулов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,4 фоиз (18 та);

- ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун 0,4 фоиз (17,5 та) миқдоридан иш ўринлари заҳираси белгилансин.

3. Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсқинсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитларига, шу жумладан, қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

- 14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун - болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан ҳақдвалига эга;

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлагандан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун - уларнинг касбий тайёргарлигига мувофиқ;

- сафарбарлик чақирuvi заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун - уларнинг профессионал тайёргарлигига мос;

- ногиронлиги бўлган шахслар учун - меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсқинсиз бажариш имконини берадиган;

- пенсия олди ёшидаги шахслар учун - уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган;

- жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурулов чоралари қўлланилган шахслар учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган;

- одам савдоси қурбонлари учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган.

4. Қуйидаги иш ўринлари банд қилиб қўйилмайдиган касблар ва лавозимлар этиб белгилансин:

муҳандис, иқтисодчи, ҳисобчи, ҳуқуқшунос, зоотехник, агроном, шифокор, ҳамшира, кичик тиббий ходим, иш юритувчи, тарозибон, электрик, фаррош, ўт ёқувчи, ободонлаштириш ишчиси, омборчи, ЭҲМ оператори, юкчи, ишчи, боғбон, қоровул, ўқитувчи.

5. Тумандаги мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

2022 йил бошланишидан камида 10 кун олдин, заҳирага қўйилмайдиган умумий иш ўринлари сонининг ка-

мида 25 (йигирма беш) фоизи ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун заҳирага қўйилишини ва тайёрлигини таъминласин, шунингдек, бу ҳақда йил бошлангунга қадар туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказини хабардор қилсин;

- ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини заҳирага қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан 2022 йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласин, бу ҳақда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак томонидан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

- ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 5-кунигача туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этсин;

- ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада заҳирага қўйилмайдиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг қарори бажарилмаслиги сифатида қаралиши лозимлиги қайд этилсин.

6. Туман ҳокимининг ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, бундай шахсларни ишга қабул қилиш асосида равишда рад этилганлиги учун ташкилот, корхона ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги алоҳида қайд этилсин.

7. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 3163, 2019 йил 31 май) асосан субсидиялар ажратиб бериш тартиби амалиётга жорий этилганлигини ҳисобга олиб, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдоридан ҳақ тўлашни таъминласин.

8. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Б.Эргашев) мазкур қарорни беш кун муддатда қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари эътиборига етказилишини таъминласин.

9. Мазкур қарор “Истиқлол” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб 3 ойдан кейин кучга кирилади.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Аҳмадалиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

2021 йил 23 октябрь,

С.МЎМИНОВ

Тошбулоқ шаҳарчаси

Шу йил 20 октябрь куни халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги йигирма тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Уни туман Кенгашининг раиси, туман ҳокими Садриддин Мўминов олиб борди. Сессияда туман Кенгаши депутатлари, туман ҳокимининг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, сектор раҳбарлари, корхона, ташкилот муассасаларининг бошлиқлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Сессия кун тартибидаги биринчи масала - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги 2-сонли қарорига асосан, туманда ташкил этилган “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали моддий ёрдамга ҳамда уй-жойини таъ-

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

мирлашга муҳтож, шунингдек, қарамоғида бир ва ундан ортиқ ногиронлиги бўлган фарзандлари мавжуд ёлғиз, тиббий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд аёлларга ҳамда фуқароларга моддий кўмак бериш ҳақида туман ҳокимининг ўринбосари-маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиги Дилбар Ҳошимова маъруза қилди. Маърузада таъкидланганидек, туманда хотин-қизлар гуаммоларини ўрганишнинг иккинчи босқичида хонадонма-хонадон юриш орқали 1857 нафар 30 ёшдан юқори бўлганлар “Аёллар дафтари”га киритилди.

Шундан 475 нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз аёллар, 64 нафар касб-хунар-га ўқиш истагини билдирганлар, 57 нафар тадбиркорлик

билан шуғулланиш учун кредит олишда амалий ёрдам сўраганлар, 30 нафар томорқасидан даромад олишни хоҳловчилар, 204 нафар боқувчисини йўқотган эҳтиёжмандлар, 240 нафар ногиронлиги мавжуд ижтимоий ҳимояга муҳтожлар, 10 нафар уй-жойини таъмирлашга муҳтож биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлганлар, 2 нафар нотураж жойларда истиқомад қилаётганлар, 186 нафар қарамоғида ногирон болалари борлар, 559 нафар тиббий ҳимояга эҳтиёжмандлар, 22 нафар ҳуқуқий ёрдам, 8 нафар психологик маслаҳат берилиши зарур бўлганлар мавжудлиги аниқланди.

Жорий йилнинг июль ойидан ҳозирга қадар 475 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож иш-

сиз аёллар бандлиги таъминланди. 64 нафари туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан касб-хунарга ўқитилди. 57 нафар хотин-қизларга имтиёзли кредитлар ажратилди. 30 нафар томорқасидан даромад олишни хоҳловчиларга 20 сотихдан ер ажратилди. 204 нафар боқувчисини йўқотган, 240 нафар ногиронлиги бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож, 186 нафар қарамоғида ногиронлиги бор аёлларга бир марталик моддий ёрдам маблағлари берилди.

Кун тартибидаги навбатдаги масала - “Наманган туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудирини томонидан тадбиркорлар билан

ишлаш борасида 9 ой мобайнида амалга оширилган ишлар-ҳақида” мазкур қабулхона мудирини Фахриддин Султоновнинг ахбороти эшитилди. Унда айтиб ўтилганидек, шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига тадбиркорлар томонидан 257 та мурожаат келиб тушган бўлса, 250 таси ижобий ҳал этилишига эришилди. Ана шу мурожаатлар асосан банк, молия ва кредит, ер, кадастр, архитектура, солиқ, инфратузилма, руҳсатномалар, лицензия, ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда бошқа соҳаларга оид бўлиб, уларнинг 162 таси туман, 112 таси вилоят, 11 таси республика даражасидаги масалаларни ташкил этади.

Ҳар икки масала ҳам депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, маъқулланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТДИ



24 октябрь куни мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тумандаги 50 та сайлов участкасида ҳам миллий қонунчилик ва умум эътироф этилган қоидалар асосида юксак уюшқоқлик билан ўтди. Шу куни эрталаб соат 8.00 дан 20.00 гача юрдошларимиз сайлов участкаларига келиб, республикаимизни янада тараққий этишига хизмат қиладиган энг муносиб номзод учун овоз беришди.

Тумандаги 26-умумтаълим мактабида жойлашган 315-сайлов участкасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови уюшқоқлик билан ўтди. Бу ерда муҳим сиёсий тадбирга пухта ҳозирлик кўрилганлиги фуқароларнинг эмин-эркин овоз беришига замин яратди. Мазкур участкада 2659 нафар сайловчи бўлиб, уларнинг 63 нафари кексалар, 37 нафари ёшлардир. Сайлов участкаси аъзолари кузатувчи-

лар ҳамроҳлигида 27 нафар кексалар, беморлар ҳолидан хабар олиб, кўчма сайлов қутисини уларнинг уйларига олиб бориб, ўз конституцион ҳуқуқидан фойдаланишини таъминлади.

-Мен сайлов куни ўзим муносиб, деб топган номзод учун овоз бердим,- дейди Нуртепа маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи кекса отахон, бемор Турсунбой Қўчқоров. - Ишонаманки, танлаган номзодим мамлакатимизнинг янада тараққий этишига ҳамда унинг дунё миқёсидаги обрўи бундан ба- ланд бўлишига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, тумандаги барча сайлов участкаларида ўтказилган юртимизнинг порлоқ келажаги, халқимиз фаровон ҳаётини белгилаб берадиган мазкур сиёсий жараёнда фуқароларимизнинг фаоллиги яққол сезилиб турди. Ҳаётимизда энг ҳаяжонли ва эсда қоларли кунлардан бири бўлиб қолди.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН Фойдаланишда яна бир қўлайлик

Бугунги кунда аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизими ислоҳ қилиниб, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, пенсия тизимига ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 23 мартдаги "Аҳолига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қўлай шароитлар яратиш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" ПҚ-6191-сонли қарори муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қарорга асосан 2021 йил 1 июндан бошлаб, давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан аҳолидан, шу жумладан тадбиркорлик субъектларидан:

- Қуйидаги фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни:
 - руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги;
 - наркология бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги;
 - судланганлик;
 - манзил-маълумот ахбороти;
 - фуқаронинг номида шахсий уй-жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
 - турар-жойнинг майдони;
 - солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
 - солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизмати органлари-

да ҳисобга қўйилганлиги;

- пенсия ва нафақа миқдори;
- пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги;
- б) Қуйидаги ҳужжатларни:
 - шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;
 - шахснинг белгиланган шаклдаги фотосурати;
 - тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг маълумотномалари;
 - меҳнат дафтарчалари ва уларнинг нусхалари (фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида ушбу ҳужжатни "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно);
 - иш ҳақи ва иш стажини, олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқловчи архив маълумотномалари (фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида ушбу ҳужжатни "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно);
 - кадастр ҳужжатлари ва уларнинг нусхаларини талаб қилиш бекор қилинади.

Зоҳиджон ҲАМРОХҲАЕВ,
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими катта инспектори.

ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ВА ЕТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА - ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 майда "Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5102-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонга кўра, мамлакатимизда пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда давлат пенсияларини тайинлашда 30 турдаги ҳужжат талаб этилади ҳамда уларни тақдим этишга масъул 14 дан ортиқ вазирлик ва ташкилотларда идоравий ахборот тизимлари, электрон ресурс ва маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги қоғоз шаклида иш юритишдан воз кечиш ва ҳужжатларни йиғиш жараёни рақамлаштиришга тўсқинлик қилиб келмоқда.

Давлат пенсияларини ҳисоблаш учун зарур маълумотлар электрон базасини шакллантириш, ушбу жараёни соддалаштириш, фуқароларнинг овозгарчиликларини бартараф этиш, пенсия ва нафақаларни етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, мазкур йўналишда соғлом рақобат муҳити ва замонавий стандартларни жорий этиш мақсадида Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қуйидаги тақлифларига розилик берилиши фармонда белгилаб қўйилган.

2022 йил 1 январдан бошлаб, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан молиялаштирилган пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловларни тўлаш ҳар уч йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида ўтказилган тендер асосида танланган тижорат банки ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бундан тендер асосида танланган тижорат банки ёки бошқа ихтисослашган ташкилот билан тузилган шартномага мувофиқ пенсия ва нафақаларни нақд пулда маҳалла фуқаролар йиғинларига, фуқароларнинг яшаш манзилларига етказиб бериш мажбурияти юклатилади.

Танловда иштирок этадиган тижорат банклари ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар томонидан пенсия ва нафақаларни маҳалла фуқаролар йиғини биноси ёки фуқаронинг яшаш манзилига етказиб бериш шартларидан келиб чиқиб, хизмат ҳақи дифференциялашган тартибда пенсия ва нафақалар тўланадиган (етказиб берилган) сумманинг 1 фоизгача миқдорда бўлиши мумкин. Бунда, пенсия ва нафақаларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар Пенсия жамғармаси ва республика бюджети томонидан тўлаб берилади.

А.ХАМИДОВ,
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими катта инспектори.

ЯГОНА ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ БАЗАСИ ЯРАТИЛДИ

Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Низом асосида пенсия тайинлаш тартиби янада соддалаштирилди.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июлдаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 февралдаги "Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юритиш жорий этиш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарорига мувофиқ фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

Кейинги йилларда коррупцияга қарши кураш борасида жиддий ва катта ўзгаришлар содир бўлаётганини ҳеч ким инкор қила олмас керак. Бу борада кўплаб қарор ва фармонлар, қонунлар қабул қилинди. Жазо чоралари кучайтирилмоқда. Лекин шунга қарамай, оқибати яхшиликка олиб келмаслигини кўриб-билиб, эшитиб туриб, айрим масъул шахслар томонидан фуқароларни ёшга доир пенсия ёки нафақага ўтказиб қўйишини, фарзандларини олий ўқув юртларига киритишга ёрдам беришини айтиб, пул талаб қилишаётгани ҳам йўқ эмас.

Масалан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги шўъбаси 1-тоифали инспектори лавозимида ишлаб келган Мухаммад Қаландаров 2020 йил декабрь ойида хизмат мавқеидан фойдаланиб, фуқароларнинг пул маблағларини алдаш ва ишончини суи-

Низомга мувофиқ, реестрни юритишдан мақсад фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақини яқка тартибда ҳисобга олиш бўйича маълумотларнинг ягона электрон ахборот базасини яратиш ҳисобланади. Мазкур электрон база ишга тушгандан кейин пенсияга чиқаётган шахс иш ҳақи ҳақидаги турли маълумотномаларни Пенсия жамғармасига топширишига ҳожат қолмайди.

Шу ўринда бир савол туғилади. Яқка тартибдаги ҳисобга олиш нима дегани? Бу иш берувчи томонидан ҳар бир жисмоний шахс бўйича иш ҳақи суммаси тўғрисида тақдим этиладиган маълумотлар асосида электрон ҳисобга олиншидир. Яқка тартибда ҳисобга олиш фақат Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига назарда тутилган жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларига нисбатан қўлланилади.

Баҳодир САРИМСАҚОВ,
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими катта инспектори.

ИНСОН ВА ҚОНУН

ПОРА-ЮЗНИ ҚИЛДИ ҚОРА

истеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида бўлимга ёшга доир пенсия олиш масаласида ёрдам сўраб мурожаат этган Х.Турсуновага пенсияга ўтказиб қўйишини, ҳужжатларни расмийлаштириш учун уч миллион сўм бериши кераклигини айтиб, унинг 200 АҚШ доллари (2.095.384 сўм) ҳамда 300 минг сўм нақд пуллини олган.

Шундан сўнг у ўзининг жиний хатти-ҳаракатларини давом эттириб, 2021 йил июль ойида Х.Турсуновага пенсия ҳужжатларини расмийлаштириш учун раҳбарига 300 АҚШ доллари беришини ваъда қилганлигини, шу сабабли яна 100 АҚШ доллари бериши кераклигини айтиб, пора беришга даъват қилиб, шу йил 14 июль куни жамғарманинг туман бўлими биноси олдида 1.000.000 сўм пулни олган вақтида иқтисодий жиноят-

ларга қарши курашиш департаменти туман бўлими ходимлари томонидан ушланди.

Натижада М.Қаландаров Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси 3-қисми "в" банди ва 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли, деб топилди. Суд мажлисида у ўз айбига иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, қонун доирасида енгиллик берилишини сўради. Суд жараёнида Х.Турсуновага етказилган моддий зарар қопланганлиги, судланувчига даъвоси йўқлиги инobatга олинди, айбдорга нисбатан 2 йилу бир ой озодликдан чеклаш жазоси тайинланди.

Р.ТУРАБОВЕВ,
иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти туман бўлими бошлиғи.

Ўзбек тили байрами кунига бағишланди



Республикамизнинг ҳамма ерида бўлгани каби туманимизда ҳам 21 октябрь - Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун катта байрам сифатида кенг нишонланди. Миллатни

миллат, халқни халқ қилиб кўрсатувчи асосий белгилар сирасига кирувчи, бебаҳо бойлигимиз ҳисобланган она тилимизни тарғиб этувчи, унга бўлган меҳр-муҳаббатимизни ифодаловчи маъ-

навий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Тумандаги 5-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ўзбек тили байрами куни муносабати билан уюштирилган тадбир "Қадринг баланд бўлсин, она тилим!" деб номланди. Унда туман хокимлиги ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари, умумтаълим мактабларининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари, иқтидорли ижодкор ўқувчилар иштирок этдилар. Маънавият кечасида иштирок этганлар ўзбек тилининг жамият ҳаётида тутган ўрни, ўтмиш тарихи, Алишер Навоий, Заҳириддин

Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби қатор ёзувчи ва шоирлар асарларида она тилимизнинг бебаҳо жозибаси ҳақида батафсил тўхталдилар. Унинг ривож, дахлсизлиги ва софлиги учун шу юртда туғилиб ўсган, унинг нон тузидан баҳраманд бўлган ҳар бир инсон масъул ҳамда жавобгар эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ўқувчилар томонидан ўзбек тилининг қадр-қимматини, улғуворлигини оширувчи, унга бўлган меҳр-муҳаббат, фахрланиш, ифтихор, гурурланиш туйғуларини ифода этувчи мусиқий, шеърли ва сахна кўринишлари намойиш этилди.

Туманда "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлашда яқиндан ёрдам бериб келаётган бир қатор жамоатчилик вакиллари тадбир ташкилотчилари томонидан эсдалик совгалари топширилди.

Т.СИДДИҚОВА,
туман хокимининг маслаҳатчиси.

МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ

Тил-миллатнинг маънавий бойлигидир. У нафақат муомала воситаси, балки халқнинг маданияти, урф-одати, турмуш тарзи тарихидир. Сувсиз дарё бўлмаганидек, тилсиз миллат ҳам вужудга келмайди. Бирор миллатга мансуб бўлган тил ўша миллат билан яшайди ва бардавом бўлади.

1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди ва Конституциямизда ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб кўйилди. Бу йил ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 32 йил тўлди. Халқимизнинг неча асрлик бой тарихи, кўҳна маданияти ўзбек тили таъсирида шаклланди. Шеърят мулкнинг султони Алишер Навоий шу тилда бебаҳо асарлар яратиб, дунёни лол қолдирган. Ота-боболаримиз тилимизни асраб-авайлашган, ривожлантиришган. Лутфий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар ўзбек тилининг ривожини учун беқиёс ҳисса қўшганлар. Биз ўз она тилимизни асраб-авайлашимиз, унинг нуфузини оширишимиз, гўзал ва софлигини келажак авлодларга мерос сифатида қолдиришимиз, дунёга танитишда ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Тил яшаса, миллат яшайди, агар биз ўз тилимизнинг кўркемлиги, бойлигини дунёга тараннум этсак, миллатимиз янада чароғон бўлади. Шу ўринда шоиримиз Абдулла Ориповнинг куйидаги тўртлиги ёдимга келди:

**Она тилим, сен борсан шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқ бўлган кунинг шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.**

Умида ҲАКИМОВА,
тумандаги 9-сонли умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Тил-миллат кўзгуси

Мана 32 йилдирки, мамлакатимизда 21 октябрни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида ўзгача гурур, фахр ва ифтихор билан кенг нишонланади. Жумладан, бизнинг 11-сонли умумий ўрта таълим мактабида ҳам ушбу кунни ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари ва шу фанни ўзларининг энг севимли фанлари, деб билган ўқувчилар ўзгача тайёргарлик билан кутиб олдилар. Ушбу қутлуғ санага уйғунлашган ҳолда октябрь-ўзбек тили ва адабиёти фани ойлиги тадбирлари ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Эрталабки сабоқларда тилимизнинг нақадар бой эканлиги, уни асраб-авайлашимиз кераклиги ҳақида маърузалар қилинди. Маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар, очик дарслар ташкил этилди.

Айниқса, 6-синфда бўлиб ўтган очик дарс барчага манзур бўлди. Муслима Ҳусанбоева, Мухлиса Акрамжоновна, Гулбаҳор Файзуллаева, Азамат Абдулбоқиев каби ўқувчилар она тилимизни тараннум этувчи шеърлардан ифодали қилиб ўқиб бердилар.

Зебинисо ЯКУББАЕВА,
мактабнинг ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Қутуриш ўткир юқумли касаллик бўлиб, у асосан табиатда йиртқич ҳайвонлардан бўри, тулки, чиябўриларда кузатилади. Бундай касалликка учраган ҳайвонлар бир-бирини тишлаши ва мулоқотда бўлиши оқибатида унинг вируси бошқа соғлом ҳайвонларга юқади. Одамларга эса деярли бу касалликка чалинган итларнинг тишлаши ёки унинг сўлаги жароҳатланган, шилинган, тимдаланган, терига тушганда юқиши рўй беради. Инсонларда бу хасталикнинг яширин даври 15 кундан 90 кунгача қайси соҳанинг жароҳатлангани билан узвий боғлиқ бўлади.

Қутурган ҳайвон тишлаган соҳада (ҳатто ўрни битиб кетган бўлса ҳам) кучсиз оғриқ пайдо бўлиши касаллик бошлаганидан дарак беради. Дастлаб, беморнинг бир оз иситмаси чиқади, нафас олиши қийинлашади, безовталанади. Сўлак кўп ажралади. Ҳаво тўлқини таъсирида нафас мушаклари тиришади.

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

+ УТУРИШ- БЕДАВО КАСАЛЛИК

Сувни кўрганда эса ютиши қийинлашади.

Касалликни аниқлашнинг асосий аломатлари сувдан ва шамолдан кўрқиб ҳисобланади. Бемор жуда чанқайди, сув беришларини сўрайди, лекин ича олмайди. Қийналганидан кўзлари қақнаб, қорачиғлари кенгайди, юзлари кўрқинчи ва аянчли бўлиб кетади. Шовқин-сурондан безовталанади. Шу билан бирга тажовузкор бўлиб, ўз кийим-кечакларини йиртиб, атрофдагиларга ҳужум қилади. Касаллик шиддатли ўтганда бемор 2-3 кунда, ҳатто биринчи кунидек тўсатдан ўлиб қолади. Шунинг учун ҳайвон тишлаган беморлар зудлик билан шифохонага ётқизиблиб, вакцина билан эмланишлари шарт.

Қутуриш касаллигига қарши

профилактик тадбирлардан биринчиси бу ҳақда фуқароларга тушунтириш, инфекция манбаи ҳисобланган ит, мушук ва бошқа ёввойи ҳайвонлардан ветеринария, коммунал ободонлаштириш ходимлари аҳолини муҳофаза қилиш чораларини кўриши зарур. Барча боқиладиган итлар рўйхатга олиниши, қутуришга қарши эмланиши керак. Итларни жамоат жойларда олиб юрганда тумшугига тумшугбоғ кийгизиб қўйиш лозим. Ит, мушук ва бошқа йиртқич ҳайвонларни сотиб олиш, сотиш, олиб келиш ва кетиш рўйхатга олиш гувоҳномаси ва ҳайвонларнинг соғлиги тўғрисида ветеринария ҳужжатлари бўлган тақдирда йўл қўйилади.

В.МИРҒИЯСОВ,
туман СЭО ва ЖСХ
эпидемиология бўлими мудири.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

◆ **Эълон**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 апрелдаги "Чақирилувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 291-сонли қарорига асосан 2022 йилдаги муддатли ҳарбий хизмат (бир йиллик хизмат) га саралаш танлов тадбирлари давом этмоқда. Танловда туманимизда истиқомад қилаётган 18 дан 27 ёшгача бўлган чақирилувчи йигитлар қатнашиши мумкин. Улар туман мудофаа ишлари бўлимида ҳафтанинг

шанба ва якшанбасидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш танловларида ва яқка тартибдаги суҳбатларда иштирок этишлари керак.

Танлаб олиш тадбирлари 2021 йилнинг 25 августидан 2022 йилнинг 3 февралига қадар ўтказилади.

Мурожаат учун телефон : 90-750-22-88.

**ТУМАН МУДОФАА ИШЛАРИ БЎЛИМИ
МАЪМУРИЯТИ.**

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишда респондентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари-ўзининг шахсга доир маълумотлари нима мақсадда йиғилаётганлигини, ушбу маълумотлардан ким ва қандай тарзда фойдаланишини билиши;

- ўзи учун тўлдирилган рўйхатга олиш варақлари билан танишиб чиқиш, рўйхатга олиш варақларига киритилган шахсга доир маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини аниқлаштириш;

- рўйхатга олувчи ходимлардан тегишли гувоҳномани кўрсатишини талаб қилиш, рад этилган тақдирда эса рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб бермаслик;

-рўйхатга олиш варағининг шаклига биноан шахсга доир ишончли маълумотларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Респондентлар аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга монелик қилмаслиги шарт.

ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ.

БИЛДИРИШЛАР

Тумандаги 16-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2018-2019 ўқув йилида Пўлатова Дилфуза Муҳаммадjon қизи номига 9-синфни битирганлиги тўғрисида берилган ТМ № 0176466-рақамли шаходатнома йўқолганлиги **билдирилади.**

* * *

Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти академик лицейи (ҳозирда Наманган муҳандислик-технология институти академик лицейи) томонидан Турғунов Жасурбек Маъмуржонович номига 2008 йилда аниқ фанлар йўналиши бўйича берилган 72, L № 043038-рақамли диплом йўқолганлиги **билдирилади.**

* * *

Тумандаги Оқбулоқ маҳалласида яшовчи Инамов Шухрат Дедабаевичга тегишли бўлган "LADA 219060 GRANTA" русумли 50 M 036 PA давлат рақамли автомашинасининг техпаспорти йўқолганлиги **билдирилади.**

* * *

Тумандаги 15-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2018-2019 ўқув йилида Абдуллаев Муҳаммад Дилшодбек ўғли номига 9-синфни битирганлиги тўғрисида берилган ТМ № 0176392-рақамли шаходатнома йўқолганлиги **билдирилади.**

"ИСТИҚЛОЛ"

НАМАНГАН ТУМАНИ
ҲОКИМЛИГИНИНГ ГАЗЕТАСИ
ТАЪСИСЧИ: Наманган туман
хокимлиги ҳамда "Истиқлол"
газетаси ижодий жамоаси.

МУҲАРРИР:

**Юнусали
ҚЎЧҚОРОВ**

Газета Наманган
вилоят
Матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан
2006 йил 29 декабрда
08-0009 рақами билан
рўйхатга олинган.
ISSN 2010-6033

Нашр учун масъул:

Рашида ТОШБОЕВА.

Таҳририят манзили: Наманган тумани,
Тошбулоқ шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси.

ТЕЛЕФОН:

Муҳаррир-47-21-440.

Индекс:

Яқка обуначилар
учун 5023.
Ташкилотлар учун
5024.
Босишга топшириш
вақти 17.00.